

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ УСТУВОРЛИК КАСБ ЭТДИ



Марказий банк бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси қўмита томонидан ўрганилди ҳамда натижалари Сенат ялпи мажлисида таҳлил этилди. Халқ депутатлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари Кенгашлари билан биргаликда 2022 йилда ушбу вилоятларда "Ташаббусли бюджет" жараёнларида ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш на-

тижалари муҳокамадан ўтказилди. Қолаверса, қўмита ташаббуси билан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифалар ижроси мунтазам ўрганилди. Қўмита аъзолари томонидан парламент назоратининг сенатор сўрови шаклидан унумли фойдаланган ҳолда тегишли давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ижро органлари, давлат ташкилотлари ва муассасаларига 40 та сенатор сўрови киритилди ва жойларда

фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларга ечим топиш чоралари кўрилди. Халқ билан мулоқот қўмита аъзолари фаолиятида устуворлик касб этди. Аҳоли муносабатларини янада яқинлаштиришга қаратилган муаммосини ҳал қилиш мақсадида сайловчилар билан 757 та учрашув ўтказилди. Айтиш мумкин бўлган бўлса, 2266 та муносабатдан 1826 тасини ёки 80 фоизини ижобий ҳал этишга эришилди. Тадбирда жорий йилда қўмита олдида турган асосий вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан 14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 32 йиллиги муносабати билан "Халқ ва армия — бир тану бир жондир!" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Таъкидланганидек, сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгарди. Айтиш мумкин бўлган бўлса, Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.

Шунингдек, ўтган даврда бўлиналарнинг техник ва заҳира таъминоти тизими

тубдан қайта қўриб чиқилди, аутсорсинг хизматлари ва ҳарбий кластерлар тизими жорий қилинди. Мудофаа sanoati мажмуаси корхоналари фаол ривожлантирилмоқда, айрим турдаги қурол-яроғ ва техника турларини ишлаб чиқариш ва модернизациялашни маҳаллийлаштириш бошланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самардорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионалиги, жанговар руҳи ва психологик шайлиги сезиларли даражада ошди.

Тадбирда депутатлар аҳолининг тинч ҳаёти ҳамда мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилишда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда жанговар қобилиятини муттасил ошириб бориш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яхшилаш бўйича ўз тақлифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сисъати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ташкил этилди.

Унда мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати, акс эттирилаётган янги нормалар ва тадбиркорлик ҳамда фуқаролар учун яратилаётган энгилликлар хусусида сўз юритилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан аҳолига ва телекоммуникация тармоғида фаолият юритувчи субъектларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, банк, тўлов тизими, тўлов ташкилоти, электрон тижорат платформаси иловалари орқали хизматларни кўрсатишда телекоммуникациялар соҳасида фаолият

юритиш учун лицензия талаб этилмайди. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш орқали хизматлар қамровини ҳамда сифатини оширишга асос бўлади. Интернет имкониятининг кенгайиши эса аҳолининг давлат хизматларидан фол фойдаланиши, электрон тижорат амалга ошириши, ўзлари учун зарур бўлган ахборотни излаши, олиши ва тарқатиши сингари конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги, уй-жойдан маҳрум бўлган мулкдорга унинг қиймати ва у қўриган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қопланиши кафолатланиши белгилянапти.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз амалга оширишга хисса қўшади, — деди Қонунчилик палатаси депутати Дилшод Ҳамзаев. — Бу, ўз навбатида, уй-жойдан маҳрум

этилганда уй-жойини ҳамда у қўриган зарарнинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши орқали хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланишига замин яратлади.

Айтиш мумкин бўлган бўлса, қонундан ушбу лойиҳа мутахассислар, экспертлар иштирокида маромига етказилиб, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси муҳокамага киритишга тайёрланмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

МУРОЖААТЛАРНИНГ САЛМОҚЛИ ҚИСМИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сисъати ва давлат органларида очиклиги таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида ўтган йилги фаолият сарҳисоб қилинди.

Қўмита амалга оширган ишлар Сенат ваколатига доир қатор йўналишларда қизгин кечди. Хусусан, қонун ижодкорлиги йўналишида 6 та қонунга масъул бўлди. Шунингдек, назорат-таҳлил фаолияти доирасида очиклиги таъминлаш борасидаги ишлар ва қўрилган чоралар ижроси бўйича қўмитада 5 та давлат органи ва ташкилотни раҳбарлари ахбороти эшитилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари томонидан аҳолини қийнаб келаётган масалалар олиб чиқилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Масалан, "Оқ-салпиш" умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорликда аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш борасидаги ишлар, эришилган ютуқлар, муаммо ва камчиликлар юзасидан жамоатчилик эшитиш-юштиришди. Шунингдек, давлат органлари ва

ташкilotларининг жамоатчилик билан ишлаш услубини ўзгартириш, ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни ўз расмий веб-сайтлари, ижтимоий тармоқдаги каналларига жойлаб бориш, журналист ва блогерлар томонидан аҳолини қийнаётган муаммолар юзасидан билдирилган муносабатларга ижро органлари эътиборини қаратиш ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш эркинликларини кафолатлашга алоҳида уруғ берилди.

Қонунларни парламент юқори палатаси ялпи мажлисларига ҳар жиҳатдан пухта-пишиқ ҳолда тақдим этиш мақсадида қўмита хузуридаги экспертлар ва ишчи гуруҳлар билан биргаликда 12 та муҳокама ўтказилди.

Йиғилишда ўтган йилда қўмита аъзолари томонидан тегишли давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ижро органла-

ри ва давлат ташкилотларига 30 дан ортиқ сенатор сўрови киритилиб, жойларда фуқаролар томонидан кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилгани ҳам айтиб ўтилди.

Хисобот даврида қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижроси назорат-таҳлил тартибда ўрганилиб, уларнинг якунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Хусусан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича Навоий вилояти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда Транспорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирликларидан ўрганишлар олиб борилди.

Шуларга мос равишда қўмита аъзолари томонидан янги иш ўринларини

ташкит этиш, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастурлар ижросини кенг ўрганиш мақсадида Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Халқ билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолини ўйлантираётган долзарб масалаларни ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш ҳам қўмита аъзолари фаолиятида муҳим йўналишлардан бири сифатида яққол ажралиб турди. Йил давомида қўмита томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг 1637 та муносабати кўриб чиқилгани ва уларнинг салмоқли қисми ўзининг ижобий ечимини топгани ҳам шундан далолат беради.

Мажлисида қўмита аъзолари томонидан 2024 йилга мўлжалланган иш режаси юзасидан қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА НАТИЖА

Қўмита масъул бўлган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамага қўйилиб, аҳолидан тушган тақлифлар асосида тақомиллаштирилган ҳолда қабул қилинди.

Кўриб чиқилган даврда қўмита жами 13 та назорат-таҳлил тадбири ўтказган. Улардан 10 таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитишга, 3 таси қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга талаллуқлидир.

Жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал қилишда парламент назоратининг таъсирчан шаклидан унумли фойдаланилди. Ўтган даврда қўмита ташаббуси билан мансабдор шахсларга 2 та парламент сўрови юборилган.

Сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ўрганишлар давомида аниқ-

ланган долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига жами 16 та депутат сўрови жўнатилган.

Ортада қолган йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга ҳам жиддий ёндашилди. Қўмитага келган 600 дан зиёд муносабатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг аксарияти ижобий ечим топишига эришилди.

Брифингга маълум қилинганидек, ўтган даврда қўмита аъзолари томонидан турли масалалар юзасидан жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабули ташкил этилган. Учрашувларда 30 дан ортиқ масалалар кўтарилган бўлиб, уларнинг аксарияти депутатлар саъй-ҳаракати натижасида ҳал қилинди.

Назорат-таҳлил тадбирлари якунлари ва қўмита масъулларида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига мунтазам равишда етказиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Яқунда қўмитанинг келгусидаги режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

Томаш ЗДЕХОВСКИЙ: Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган резолюция долзарб муаммоларни ҳал этишда муҳим қадам бўлди

БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон ҳақсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилгани ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш йўлидаги ғоят муҳим қадамдир.

Резолюциядаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликда давлатлар Марказий Осиё олдига турган мураккаб экологик муаммоларга ечим топишда катта аҳамиятга эга.

Мен барча мамлакатлар ва манфаатдор томонларни резолюциянинг иқлим ва экологик таҳдидларга самарали қарши курашиш мақсадида барқарор қишлоқ хўжалиги, бодорчилик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самардорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, туризмни изчил ривожлантириш, "ақл-

ли" шаҳарлар ва экотоза транспортни яратиш бўйича аниқ вазифаларни ўз ичига олган тавсияларни амалга ошириш учун биргаликда ишлашга чақираман.

Ушбу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиёда содир бўлган иқлим ўзгаришларига шोшилчин чоралар кўриш зарурлигидан далолат беради. Биз минтақда қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг барқарор ривожланишини таъминлаган ҳолда бир вақтлар дунёдаги энг йирик қўл бўлган Орол денгизини тиклаш йўлини излашимиз керак.

"Яшил" ва барқарор Марказий Осиёга йўл аниқ. Биз Ўзбекистон раҳбарияти кўмағида ва халқаро ҳамкорлик орқали ушбу мақсадга эриша оламиз.

«Дунё» АА. Брюссель

Дил сўзи

ЮКСАК МУКОФОТ ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ЯНАДА ОШИРДИ

Кейинги йиллар юртимиз ва халқимиз ҳаётида жуда кўп янгиликларга бой бўлди. Айнан шу даврда мамлакат иқтисодиёти, маданияти ва маънавияти, ижтимоий-сисъсий ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқараши ва тафаккурида улкан ўзгаришлар юз берди.

Ҳуқуқ-тартибот органларида, жумладан, прокуратура тизимида амалга оширилган ислохотлар ижтимоий-сисъсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан катта тарихий аҳамиятга эга. Бу саъй-ҳаракатлар нафақат ўзимизда катта ижобий ўзгаришларга олиб келди, ҳатто халқаро майдонда ҳам мамлакатимиз нуфузини кўтарди.

Аслида ҳар бир касб эгасининг зиммасида улкан масъулият муҳасам. Бироқ бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимларида ўн чандон ортиқдир, десак, муболаға бўлмайди. Боиси қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросига оид ҳар бир жараёнда инсон тақдирини муҳасам. Бу борада хато қилишга асло ҳақимиз йўқ.

Мана, 15 йилдирки, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда турли вазифаларда хизмат қилиб келмоқдаман. Айни пайтда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш, коррупциянинг олдини олиш борасида фаолият юритяпман. Хизматчилик — баъзан эрталабга ишлашга тўғри келади. Ва ҳатто, шундай вазиятлар бўладики, уйга бориб, қийимни алмаштириб келишга улгурмайиз. холос. Боиси вақт, вазият тақозоси, айни чоғда, бизга эл-юрт ишониб, катта масъулиятни зиммамизга юклаган экан, уни оқлаш учун фидокорона хизмат қилиш керак бўлади.



Муваффақиятларимиз заммирида эса ўқиб, изланиш, интилиш, бир сўз билан айтганда, машаққатли меҳнат ётибди, албатта. 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ҳодимлари кўни арафасида Президентимиз Фармонига кўра, "Жасорат" медали билан тақдирланганим тўғрисидаги хабарни эшитганимда кўнглимни фахр, миннатдорлик туйғуси қамраб олди. Очиги, бу юксак мукофот қандайдир маънода зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Жамоамиз билан бундай эътиборга жавобан сидқиқидилан, виджонан, барча куч-ғайратимизни сарфлаб, халқ розилиги йўлида хизмат қилишга интиламиз.

Давронбек АБДИЛАЗИЗОВ, Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари, «Жасорат» медали соҳиби.

Муносабат

Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш, хусусан, чиқиндиларни бошқариш йўналишида аниқ бир мақсадга қаратилган давлат сисъати олиб борилмоқда. Хусусан, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда эски коммунал хўжалиги тизимидан бозор механизмларига асосланган хизмат кўрсатиш тизимига ўтилди.

Бугунги кунда 2019 — 2028 йиллар даврида мамлакатда қаттиқ машиий чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясининг ижроси борасида тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам мазкур вазифаларни жадал олиб бориш мақсадида ўз аксини топган.

Удаланаётган ишларга қарамай соҳада бир қатор камчилик ва муаммолар сақланиб қолаётганини санитар тозалаш корхоналарининг самарали фаолиятига, аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мавжуд қаттиқ машиий чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга номувофиқлиги, соҳада кўрсатилган хизматлар учун марказлашган электрон тўлов тизимининг тўлиқ жорий қилинмагани ва дебиторлик қарзларининг ошиб кетгани, бунинг натижасида эса тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган санитар тозалаш корхоналарининг иқтисодий ҳолати қоникарсиз ҳолатга тушиб қолиши, соҳада мукаммал назорат ва фаол рағбатлантириш механизмларининг мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир.

Чиқиндиларни бошқариш бўйича олиб борилаётган ислохотларни янада тақомиллаштириш мақсадида шу йил 4 январь кўни "Чиқиндиларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан ваколатли давлат органларига аҳолининг машиий чиқиндилар билан боғлиқ хизматлар сифа-

тидан тўлиқ қоникшини таъминлаш, ушбу хизматлар даражасини халқаро стандартларга етказиш ҳамда назорат тизimini қучайтириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланди.

Фармонга асосан, қатор вазирлик ва идораларга соҳадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича қўшимча ваколат ва мажбуриятлар оқилантирилди. Хусусан, экология ва ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардияга белгиланган тартибда автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қондалари бузилганини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектларига экологик ҳуқуқбузарликларни қайд этиш ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқи берилмоқда.

Бунда тадбиркорлик субъектлари жавобгарликка тортиш чоралари қўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи микдоридан пул мукофоти билан рағбатлантирилиши белгилаб қўйилди.

Аҳолига ўз ташаббуси билан чиқиндиларга айланган ёки тизимли равишда чиқиндилар ноқонуний равишда ташлаб кетилиши қузатиладиган ҳудудларда ўз маблағлари ҳисобидан фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш юзасидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига буюртма бериш имконияти яратилмоқда. Жавобгарликка

тортиш чоралари қўрилиши натижасида жарима сифатида ундирилган маблағларнинг 20 фоизи микдоридан пул мукофоти билан буюртма берган шахслар, экологик патрулга жалб қилинган Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан бу йўналиш бўйича ундирилган жарима маблағларнинг 10 фоизи микдоридан пул мукофоти билан эса ушбу ҳодимларни рағбатлантириш белгилянапти.

"Хавфсиз шаҳар" интеграцияланган тизими доирасида қазималар орқали экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш тизимининг жорий этилиши эса, ўз навбатида, соҳада назорат тизими самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳар йили "Энг тоза маҳалла" танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллага Экология жағғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллада чиқинди йиғиш майдончаларини қуриш, маҳалладаги ижтимоий объектларга чиқинди контейнерларини ўрнатиш ва даракларини экиш учун жами 500 миллион сўмдан ўтказиб бериш, хизматда фойдаланиш учун биттадан электрон тўлов тизимлари жорий этилади. Сир эмаски, бугунги кунда санитар тозалаш хизматлари учун тўловларни амалга оширишда инсон омилининг юқорилиги, мар-

казлашган электрон тўлов тизимининг тўлиқ жорий қилинмагани сабабли соҳада дебитор қарздорлик кўпайган. Бу борада ҳам бир қатор механизмларга ўтиш кўзда тутилмоқда. Бунда авваломилар, барча санитар тозалаш корхоналари томонидан Ягона электрон тизимга уланган ҳолда фуқароларга хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйиш, ушбу талабни бажармаган корхоналар билан тузилган шартномаларни бекор қилиш ва улар хизмат кўрсатадиган ҳудудларни давлат-хусусий шериклик асосида бошқа корхоналарга бериштириш механизми жорий этилмоқда.

Коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида чиқинди хизматлари учун тўловларни қабул қилиш ҳамда абонентлар ҳисобини юритишни фақатгина Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг биллинг тизими, электрон тўлов тизимлари ёки тижорат банкларининг тўлов қабул қилиш касаллари орқали амалга ошириш белгилянапти.

Моҳира ХўЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«Осиё кубоги — 2023»

ЎИРИК МУСОБАҚАСИ БОШЛАНМОҚДА

Шу йилнинг 12 январь — 10 февраль кунлари Қатар яшил майдонларида футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Қитъамизнинг 18-мартаба уюштирилган йирик мусобақасида 24 та терма жамоа чемпионлик учун курашга киришади.

Аслида маъжур турнир ўтган йили Хитойда бўлиб ўтиши лозим эди, бироқ мезонлар COVID-19 пандемияси туфайли 2022 йил аввалида Осиё футбол конфедерациясига мусобақани ўтказишдан воз кечгани ҳақида билдирганди. Шундан сўнг мезонлик футбол структураси юқори, майдонларнинг ҳолати сифатли бўлган Қатар мамлакатига топширилди. Чунки бу юрт 2022 йилда чемпионати юксак савияда ташкил этиб, муҳлиси мутахассислар эътирофига сазовор бўлган эди.

Хабарингиз бор, ушбу беллашуларда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам қатнашади. Вакиллари «В» гуруҳида Сурия, Хиндистон ва Австралия терма жамоалари билан нимчорак финалга чиқиш учун баҳс олиб боради.

Мусобақада 1996 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келатган футболчиларимиз саккинчи марта Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Бу сафарги турнирдан муҳлисларимизнинг умиди катта экани сир эмас. Негаки, словениялик маҳоратли мураббий, Осиёда анчадан бунён фаолият юритаётган Сречко Катанец 2,5 йилдан бери Ўзбекистон терма жамоасига устозлик қилиб келяпти. Футболчи тарихида терма жамоамизга бундай катта мундтақ билан мураббийлик қилиш шу пайтгача маҳаллий мутахассислардан Ваҳид Абрамов ва Миржалол Қосимовга насиб этган, ҳоло.

2021 йилнинг августида мураббий бўлиб тайинланган С. Катанец бутунги кунга қадар 28 мартаба терма жамоамизни турли расмий ўйинлар, халқор ўртоқлик ва назорат-машгулот баҳсларида, шунингдек, «Наврўз» кубоги ҳамда Марказий Осиё ассоциацияси кубогида майдонга туширди. Бу баҳсларнинг 18 тасида галаба ҳамда 4 та дуранг, 6 та мағлубият қайд этилди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан қитъамизнинг нуфузли ва асосий мусобақасига тайёргарлик қўриш учун жаҳоннинг турли минтақаларида ўқув-машғулот йиғинлари ташкил қилиб берилди. Хусусан, АКШда маҳаллий терма жамоа ва Мексика билан ўртоқлик ўйинлари уюштирилди.

Мусобақанинг қолган гуруҳлари қуйидагича қўришни олган: «А» гуруҳи: Қатар, Хитой, Ливан, Тожикистон. «С» гуруҳи: Эрон, БАА, Фаластин, Гонконг. «Д» гуруҳи: Япония, Ироқ, Индонезия, Вьетнам. «Е» гуруҳи: Корея Республикаси, Иордания, Малайзия, Бахрайин. «Ф» гуруҳи: Саудия Арабистони, Таиланд, Умон, Қирғизистон.

Кейинги босқичга гуруҳнинг 1 ва 2-ўрин эгалари ҳамда тўртта энг яхши кўрсаткичга эга 3-ўрин соҳиблари йўл олади. Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки ўйинни 13 январь куни Сурия терма жамоасига қарши ўтказиши. 2-турда Хиндистон билан 18 январь куни, Австралия билан эса 23 январь санасида баҳс олиб боради.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи»)



ЯЙЛОВЛАР МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ

Мамлакатимизда 21,2 млн. гектар яйловлар мавжуд бўлиб, шундан 16,6 млн. гектари чўл ва 4,4 млн. гектари тоғ ҳамда тоғолди яйловларини ташкил этади. Шунингдек, яйловларнинг 16,3 млн. гектари Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасига, 3,1 млн. гектари ўрмон фондига берилган бўлса, қолган 1,8 млн. гектари ер фондидан бошқа тоифаларига тааллуқли.

Очиги, яйлов муаммоси республикамизнинг барча ҳудудда мавжуд. Шунинг учун бу ҳолат нафақат экологик, балки давлат ташкилотларининг ҳам диққатини тортаётир. Чунки яйловлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтақамизда экологик мувозанатни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда асосий табиий манбалардан бири ҳисобланади.

Шу боис 4,2 млн. гектар яйловда геоботаник тадқиқотлар ўтказилиб, деградацияга учраган майдонларнинг хариталари тайёрланган ҳамда 420 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, республикамизнинг 21 млн. гектар (47 фоизга тенг) майдонини эгаллаган яйловларнинг 50 фоиздан ортиги турли даражада инқирозга ўз тулган, асосий яйловларнинг табиий равишда ем-хашак ҳосил қилиш салоҳияти пастайиб, ярқисиз ҳолатга келиб қолган. Яйловларда чорва молларини алмашлаб боқиш тизими жорий этилганлиги ва моллар сони кескин ортишига боис яйлов ерлари катта босим остида қолган. Бунинг оқибатида озуқабоп ем-хашак ўсимлик турлари сийрақлашиб, йўқолиб кетиш даражасига етган.

Биоборин, Германиянинг Бонн университети Ривожланиш соҳасидаги тадқиқотлар маркази (ZEF) олимлари ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда кейинги ўн йил давомида деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш учун ҳар йили 543 млн. доллар маблағ талаб этилади ва сарфланган маблағ 1,4 млрд. доллар бўлиб қайтади. Демак, иқлим ўзгариши ва аҳоли сонининг ўсиши шароитида озиқ-ов-

қат маҳсулотлари нархларининг ошириб бориши сабабли ер ресурсларини сақлаш, қайта тиклаш ва улардан барқарор фойдаланиш йўлига ўтишимиз зарур.

— Яйлов чўлланишининг олдин олишининг энг ишончли йўли — алмашлаб фойдаланишни йўлга қўйиш, — дейди вазирликнинг Тупроқ унвдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш бошқармаси бошлиғи Ойбек Соатов. — Шу маънода, мавжуд муаммоларни халқор ва маҳаллий олимлар доирасида муҳомадан ўтказиш мақсадида жорий йилда «Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда яйлов деградациясига қарши курашиш» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Унда ўндан ортиқ нуфузли хорижий университетлар олимлари қатнашди. Билдирилган тақлифлар асосида суҳбатчилар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланди, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

Лойиҳада яйловларни ва ер ости сув ресурсларини барқарор бошқариш бўйича таълим дастурларини яратиш ҳамда тақомиллаштириш, яйловларда чорва босимини камайтириш ва уларни алмашлаб боқишнинг оқилона тизимини йўлга қўйиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш, яйловлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, улар муҳофазаси бўйича давлат назоратини кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишда «ким ифлослантирса, шу тўлайди» тамойилини жорий этиш белгиланган.

Ойбек Соатовнинг қўшимча қилишига кўра, лойиҳада яйловлардан фойдаланишни бошқариш режаси, фойдаланиш нормалари ва мунддатлари, бу ҳуқуқни чеклаш, таққиклаш, маҳсулдорлигини ошириш ҳамда муҳофаза этиш, таққор қўлайтириш ва тиклаш соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш бўйича янги нормалар белгиланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг

2023 йил 2 февралдаги қарори асосида Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллариини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, унинг талаблари бўйича маъсул вазирлик ва идоралар тақдим этган маълумотлар асосида «Ер деградацияси» геоахборот тизимининг элек-

Германиянинг Бонн университети Ривожланиш соҳасидаги тадқиқотлар маркази (ZEF) олимлари ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда кейинги ўн йил давомида деградацияга учраган яйловларни қайта тиклаш учун ҳар йили 543 млн. доллар маблағ талаб этилади ва сарфланган маблағ 1,4 млрд. доллар бўлиб қайтади. Демак, иқлим ўзгариши ва аҳоли сонининг ўсиши шароитида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошириб бориши сабабли ер ресурсларини сақлаш, қайта тиклаш ва улардан барқарор фойдаланиш йўлига ўтишимиз зарур.

трон харитаси шакллантириб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг интеграциялашган ягона ахборот тизими негизида «Ер деградацияси» геоахборот портали яратилиб, унга деградацияга учраган яйловлар майдонлари тўғрисидаги геомаълумотлар қатламлар ва атрибутлар қўринишида акс эттирилган. Ягона миллий электрон базага киритилган ахборотларнинг шартли белгилари бўйича ягона классификаторлари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, деградацияга учраган 1,7 млн. гектар яйлов майдонларининг контурлар кесимидаги электрон рақамли хариталари тайёрланди ҳамда 465 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва яхшилаш бўйича ишлар олиб борилаётир.

Инқирозга учраган яйловларнинг ҳосилдорлигини тўбдан яхшилаш борасидагина қўрилган усул бор. Бу — қурғоқчиликка чидамли бўлган ўсимликларни экиш. Шунинг учун ҳам

биринчи навбатда, Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида 1000, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида 1000, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туманида 500 гектар, ҳаммаси бўлиб 2,5 минг гектар бирламчи уруғчилик майдонлари ташкил қилинди. Ўсимликлар ёрдамида қумни мустаҳкамлаш технологиясини жорий этиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси-

нинг Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир Сахро кемаси» 600 гектар, Навоий вилоятидаги «Зарафшон» бўрдоқчилик МЧЖда 500 гектар ҳамда Кони-мех туманининг «Шўркўл» массивида минг гектар яйловларда бирламчи уруғчилик билан шуғулланиш йўлга қўйилди.

Илимий тавсияларга кўра, адир яйловларида 200 турдан ортиқ ўсимликлар ўсиши биологик хилмаҳилликни сақлаш учун мейврий ҳол ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айни пайтда 11 минг гектар майдонда яйлов деградацияси ва чўлланишининг олдини

Хуллас, бугун яйлов инқирозини инкор этиш бўлмади, аммо соҳадаги сайё-ҳаракатлар муаммони ҳал қилишнинг ечимини борлигини кўрсатиб турибди. Демак, бу ерлардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қўшимча қиймат яратиш мумкин ва бу иқтисодиётимизга ижобий таъсир ўтказиши. Биоборин, яйловларни сақлаб қолиш нафақат экологик муаммоларни бартараф этишга, балки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»)

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Барчамизга яхши аёнки, бугун сайёрамизда атроф-муҳит мусоффолиги ва экологик вазиятни барқарорлаштириш глобал вазифага айланган. Чунки техника тараққийоти ва саноатнинг ривожланиши, маиший чиқиндиларнинг кўпайиши табиатнинг ифлосланишига олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай муаммолар мамлакатимизда, хусусан, Жиззах вилоятида ҳам мавжудлигидан кўз юмолмаймиз. Ана шундай шароитда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласи кун сайин муҳим аҳамият касб этаётир.

Табиат ва биз

Дунёнинг тараққий этган давлатлари чиқиндиларни қайта ишлашда ўзига хос тажрибага эга. Вилоятда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларнинг табиатга таъсирини камайтириш, янги технологиялардан фойдаланган ҳолда бу таъсирни бутунлай йўқотиш учун хориж тажрибаларини амалиётга жорий қилишни мавжуд вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу асосда Жанубий Кореянинг атроф-муҳит саноати ва технологиялари институти (KEITI) ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ўртасида кўшма меморандум имзоланди.

2022 — 2026 йилларда чиқиндини қайта ишлаш соҳасини ривожланган давлатлардагидек ташкил этиш ва раванқ топтириш мақсадида қиймати 6,6 млн. АҚШ доллари миқдоридagi грант ва қиймати 90 млн. АҚШ доллари бўлган кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2021 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган амалий ҳаракатлар режалари («Йўл харитаси») белгилаб берилди. Қарорга асосан, Шароф Рашидов туманидаги чиқиндилар полигониди 500 кВт — 1 МВт қувватига тенг чиқинди полигонларидан чиқаётган газларни йиғиш иншооти, 500 кВт — 1 МВт қувватга эга электр станциясига уланishi мумкин бўлган чиқинди газ йиғиш тизимини қуриш ҳамда кунига 5 — 10 тонна табиий чиқиндиларини ёқиш иншоотини ўрнатиш, шу билан бирга, чиқиндиҳонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қаттиқ маиший чиқинди полигонларида зичлаш ишларини амалга ошириш учун 5 та контейнерли ташишга мўлжалланган 12 та махсус техника ажратилди. Чиқиндиларни қайта юклаш станцияси учун сийими 60 куб метр бўлган 28 та контейнер ҳамда 5 тадан бульдозер, экскаватор, автоюклагич,

АҚШ доллари бўлган кредит маблағлари Корея Республикаси иқтисодий тараққийот ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан молиялаштирилган бўлиб, лойиҳа ҳужжати Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан қўриб чиқилди. Шундан сўнг хорижий ҳамкор — EDCF жамғармаси ҳамда KEITIга киритилди.

Айни пайтда лойиҳа доирасида Зомин ва Шароф Рашидов туманларида экологик мейёр ва санитария талабларига жавоб берадиган замонавий қаттиқ маиший чиқинди полигонлари барпо этиляпти. Йўналтирилган маблағлар ҳисобидан 3 та қаттиқ маиший чиқинди полигони қуриш, 5 та ҳудудда компостлаш ва чиқиндиларни саралаш кўзда тутилган. Албатта, бундай кенг қўламли ишларни техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу мақсадда лойиҳанинг иккинчи босқичида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, чиқиндиҳоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қаттиқ маиший чиқинди полигонларида зичлаш ишларини амалга ошириш учун 5 та контейнерли ташишга мўлжалланган 12 та махсус техника ажратилди. Чиқиндиларни қайта юклаш станцияси учун сийими 60 куб метр бўлган 28 та контейнер ҳамда 5 тадан бульдозер, экскаватор, автоюклагич,

кўтарма юк машиналари ва компостлаш ускуналари билан таъминланади. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тартибга солиш борасидаги қарорига асосан, Жиззах вилоятининг 10 та туманида ушбу юмушларни давлат-хусусий шериклик (ДХШ) асосида бириктириш бўйича тендер ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, Дўстлик туманида «Toza eko hudud» МЧЖ, Арнасой, Баҳмал, Галлаорол, Зомин, Зафаробод, Пахтакор, Мирзақўл, Фориш ва Янгиобод туманларида «Eko sfera» масъулияти чекланган жамиятлари ДХШ асосида тадбиркорлик субъектларига бириктириб берилди.

Президентимизнинг ўтган йил 31 май куни қабул қилинган «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида, чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси давлат муассасаси фаолият бошлади «Тоza ҳудуд» ДУК тасаруфидидаги чиқинди полигонлари босқичма-босқич маъжур дирекция балансида ўтказилмоқда. Дирекция томонидан эса чиқиндиларни маиший турларига қараб алоҳида-алоҳида тўплаш ва олиб кетиш, янгидан ҳосил



бўлаётган чиқиндиларни полигонларга йўналтирмай, қайта ишлаш ёки қуйдиш, соҳага айланма иқтисодий амалиётини жорий қилиш каби ишлар бажарилаётир. Мухтасар айтганда, Корея Республикаси билан ҳамкорликда «Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш қўчма станцияларни яратиш, янги қаттиқ маиший чиқинди полигонларини қуриш ва амалдаги полигонларини

оптималлаштириш» лойиҳасини 2024 — 2026 йилларда тўлиқ ниясига етказиш мақсад қилинган. Ишонимизки, атроф-муҳит ва экологик муаммоларни бартараф этишда ривожланган хориж давлатлари тажрибаси бизга жуда қўл келиши шубҳасиздир.

Эркин ХОЛМАТОВ, Жиззах вилояти экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи.

Publication information block including title 'Халқ сўзи Народное слово', author 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ', contact details, and subscription information.